



Муסיқа дарсида хор бўлиб куйлашнинг педагогик-психологик тамайиллари.

Дўстов С.Д.

Бухоро давлат университети муסיқа таълими кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

Муродов С.Ш.

Бухоро давлат университети муסיқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси.

Мақолада муסיқа маданияти дарсида ўқувчиларни хор бўлиб куйлашида ижрочилик малакаларини ривожлантириш тўғрисида фикрлар билдирилади.

The article deals with enhancing pupils' performing skill for singing chorus in the musical culture lesson.

В статье рассматриваются идеи развития и усовершенствования хорового исполнения на занятиях по певческой культуре.

Ёш авлодни Ватанга мухаббат руҳида тарбиялашнинг муҳим таркибий қисми эстетик тарбиядир. Муסיқий – эстетик тарбияни амалга оширишда унинг психологик асосларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай тарбия сингари муסיқий–эстетик тарбиянинг ҳам психологик моҳиятини атрофлича ёритиш анча мураккаб ишдир. Инсоннинг доимо гўзалликка интилиши ва кундалик ҳаётда ана шу гўзаллик қоидаларига амал қилиб бориши эстетик ҳиссиётнинг амалий белгиларидан биридир. Демак, ахлоқий идеал эстетик ҳиссиёт инсоннинг воқеяликка нисбатан эстетик муносабатларнинг асоси бўлиб, Улуғ рус физиолог И.П.Павлов таълимотига кўра кечириладиган турли хис – туйғулар бош миёна ярим шарлари пўстлоқ қисмининг фаолияти орқали юзага келади. Ташқи муҳитнинг организмга доимий таъсири ва бу таъсирларга қонуний жавоб реакцияси натижасида аста-секин маълум муносабатлар тизими вужудга келади. И.П.Павловнинг динамик стрессик ҳақидаги таълимоти инсондаги ҳиссиётларининг физиологик ва психологик табиатини чуқурроқ ўрганишда катта аҳамиятга эга. Гап ўқувчиларга эстетик ҳиссиётининг таркиб топтириш ҳақида борар экан аввало, икки муҳим масалага – ўқувчиларга

эстетик ҳиссиётнинг пайдо бўлиш объектив шарт – шароитлар мавжудлиги ҳамда ўқувчилар санъат асарларини гўзаллик принциплари нуктаи – назаридан баҳолай оладиларми?—деган саволга тўхталиш лозим.


Санъат эстетик идрокнинг битмас–туганмас манбаидир. Чунки у тўлалигича ва бевосита эстетик омил, инсон юраги ва ақлини мисли йўқ куч билан забт этувчи мафтункор дунёдир. Дил меҳри бўлмиш мусиқа санъати ўқувчиларни атрофдаги гўзал борликни тўғри идрок этишга ва кадрлашга ўргатади, юксак нафосатли дид билан куроллантириб уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириб боришда етакчи вазифани ўтайди. Шундай экан мактабда ўқувчиларнинг мусиқий маълумотларига алоҳида эътибор бериш, уларни дастур талабига мувофиқ мусиқавий билим ва малакалар билан куроллантиришга эришиш энг муҳим вазифаларидан биридир.

Умумтаълим мактабларининг мусиқа маданияти дарсида ўқувчиларни хор бўлиб куйлаши уларнинг мусиқий ўқув қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўқувчилар синфда хор бўлиб куйлашлари жараёнида биринчи навбатда ўз овоз ижросини бошқариб бориши билан бирга ўқитувчи ва ўртоқлари ижросини ҳам эшитиб улар билан баҳамжиҳат жўровозлик қилишга ҳаракат қилади.


Хор жамоаларининг тузилиши қуйидагича:

- аралаш хор
- эркаклар хори
- аёллар хори
- болалар хори


1. Аралаш хор




2. Эркаклар хори



3. Аёллар хори



4. Болалар хори



Жамоавий ижрочилик фаолиятининг шаклланишида хор бўлиб куйлаш усули асосий омил бўлиб хизмат қилади. Чунки хор бўлиб қўшиқларни ижро этиш ўқувчининг куйлаш маданиятини ривожлантиради, эстетик дидини ўстиради, уларнинг умумий ва мусиқий дунёқарашини шакллантириб, маънавий камолга эришишларида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки хор – ижроси учун мусиқий репертуарни тўғри танлаш ва унинг бадий ижросини таъминлаш ўқувчиларда мусиқа маданиятини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис ҳам қўшиқни бадий ва таъсирчан қилиб ижро этиш учун ифодали куйлаш элементларига алоҳида эътибор қаратилади. Мусиқашунос Н.А. Гроздинскаянинг таъкидлаганидек “Қўшиқ ўргатишда биз нафақат унинг сифатига, балки ижро даражасига жиддий қарашимиз керак. Биз болаларга қўшиқ ижроси ҳақидаги онгли мулоҳазаларни уйғотиб, қўшиқ устида ишлаш–бу ижодий жараён эканлигини, идрок этиб тушунишларига ҳаракат қилмоғимиз лозим”.

Ўқувчиларда хор бўлиб куйлаш малакаларини тўғри шакллантириб бориш учун ўқитувчи албатта, болалар овози, унинг хусусиятлари, ижро имкониятлари, руҳий – физиологик ҳолатларини чуқур англамоғи лозим. Чунки болалар ёшининг ҳар бир босқичида улар овозида айрим ўзгаришлар бўлиб туради.

Уларни ҳисобга олиш, хор бўлиб куйлаш фаолиятини педагогик бошқаришда катта аҳамиятга эга.

Ўқувчиларга хор бўлиб қўшиқ куйлашни ўргатиш жараёнида ўқитувчи ўзининг бор билим, тажриба ва маҳоратини ишга солиб улар онгига етказиш учун қулай усуллардан фойдаланиши ва ўқувчиларга мусиқа асари мазмунини тўғри англаб идрок қилишга алоҳида эътибор қаратмоғи лозим. Лекин, бу жараёни амалга ошириш осон кечмайди албатта, бунда хотира, диққат, ҳиссий кўтаринкилик ва яхши кайфият катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам мусиқа маданияти дарслари давомида кўпроқ хотирани ўстириш ва тасаввурни ривожлантирувчи усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, ўқитувчи ўқувчиларга куйлаш учун кичик ва осон машқларни тез-тез такрорлатиб ва кейинчалик ушбу машқларни мураккаблаштириб бориши керак. Айниқса, болаларда кўтаринки руҳий ҳолат ва яхши кайфиятда бўлишни ҳосил қилиш, уларнинг фикрлаш қобилиятини фаоллаштириб, мусиқани идрок этиш учун эмоционал ҳис туйғуни уйғотишга эътибор бериш лозим. Айнан бундай ҳолат қўшиқни куйлаш жараёнида ижобий натижаларни ҳосил бўлишига олиб келади.

Ўқитувчи қўшиқни ўқувчиларга ўргатишдан олдин қўшиқ диапазони яъни овоз кенглиги болалар ёши ва овозига мослигидан келиб чиқиб мусиқий товушларнинг баланд – пастлиги унинг тарбиявий аҳамияти тўғрисида ўқувчилар билан савол – жавоб ўтказиб мусиқа асарини қисқача таҳлил қилиши керак. Сўнг қўшиқ кичик жумлаларга бўлинган ҳолда ўргатилади. Болоалар жумлаларни бир неча маротаба қайта куйлаб аниқ идрок этганларидан сўнг, қўшиқ бошидан охиригача тўлиқ ижро этилади. Ўқувчилар қўшиқни куйлаётганда ўқитувчининг қўл ишорасига эътибор берган ҳолда ўзаро бир – бирларини эшитиб ижро этишлари керак. Агар куйлаш жараёнида ўқувчилар томонидан хатога йўл қўйилса, бу ҳолатни ўқитувчи ўз вақтида англаб болалар қилган хатоларни тузатиш учун кичик гуруҳга бўлиб навбат билан куйлатиши мумкин. Сўнг ҳар қайси гуруҳнинг ижро даражаси аниқланади ва ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бу усул асарнинг бадиий образини тингловчига етказиб

беришга молик бўлган куйлаш малакаларини тўғри амалга оширишда алоҳида роль ўйнайди. Куйлаш малакаларининг шаклланиш жараёни ҳар бир ўқувчининг ижро маҳорати ва кўшиқ мазмунини идрок этиш қобилиятига ҳам боғлиқдир. Чунки ўқувчининг хор ижросига бўлган муносабати дарсда куйлаш малакаларини шаклланишига ва билим олиш даржасининг сифатига ҳам таъсир қилади. Зеро ўқувчида куйлаш малакаларининг шакллантириш жараёни бир хилда кечмайди. Бу жараён маълум қонуниятларга асосланган ҳолда аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилади.

Ўқувчиларда хор бўлиб куйлаш малакаларини шакллантириш қуйидаги уч босқичда амалга ошишини айтиш мумкин.

—оддий элементар куйлаш йўлларини ўрганишга эришиш;

—оддий машқларни куйлаш, мустақкамлаш ва ривожлантириш;

—куйлашдан ҳосил бўлган малака ,кўникма ва маҳоратдан амалда фойдаланиш.

Хор бўлиб куйлаш малакаларини шакллантиришнинг дастлабки давриданок ўқувчиларни кичик диапазондаги овозда кўшиқни тоза, соф, майин, юмшоқ ва ифодали куйлашга ўрагатиш, талаффузни тўғри ҳосил қилиш, овоз тембрини яъни куйлаш сифатини эса яхшилаб боришга алоҳида эътибор бериш керак. Айниқса ўқувчиларнинг овозларига оғирлик тушмаслиги ва овозлари чарчаб қолмаслиги учун куйлаш жараёнини тинглаш фаолияти билан тез—тез алмаштириб туриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хор ижросининг яхшилаб борилиши ўқувчининг нафас йўлларида эркинлик ҳосил бўлишини таъминлайди ҳамда ўқувчининг овоз тембри ёрқинлашади ,овоз ҳосил қилиш малакаси ўсади, куйлаётганда овоз пардаси ва жағнинг тўғри ҳаракатга келиши анча яхшиланади.

Ҳар бир мусиқа асари ижросининг сўнги босқичида эса ўқувчиларнинг куйлаш малакалари ривожланади, овоз жарангдорлиги соф ва ифодали бўлади, овоз тембрининг сифати яхшиланиб, куйлаш диапазони кенгаяди ҳамда нафас олиш меъёри тўла шаклланади. Ўқитувчи бу босқичда товушларнинг катта сакрашлари мавжуд бўлган турли машқлардан бевосита фойдаланиш зарурлигини ҳам унутмаслиги керак.

Ўқувчида куйлаш малакаларини доимий ривожлантириб бориш учун машқларни қайта куйлаш усулидан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қайта куйлаш усулининг иккита шарти мавжуд:

1.Ўқувчи мусиқа асарини жозибали қилиб куйлаши учун нималарга эътибор бериши керак?

2.Ўқувчи куйлаганда ҳар бир машқнинг қандай натижа берганини ва қандай хатоларга йўл қўйгани аниқланиб, қилинган хатоларни бартараф этиш йўллариини излаш керак.

Биринчи шарт талабларига кўра қайта куйлаш жараёнини тўғри амалга ошириш учун ўқитувчи ўқувчининг мусиқа саводхонлиги ривожини, унинг куйлаш жараёнига боғлиқлиги ва иккала жараённинг мантиқан бир – бирини тўлдириб боришига эътибор бериши керак. Иккинчи шартнинг бажарилиши эса қайта куйлашнинг маълум мақсадга қаратилганлигига боғлиқлигидан далолат беради. Шу боис ҳам куйлаш малакаларининг шаклланишида юқорида қайд этилган уч босқични амалга ошириш ва бунинг учун қуйидаги сифат даражасига эришиш тавсия этилади.

-ҳар бир ўқувчининг индивидуал ҳусусиятини ҳисобга олиш;

-ўқувчиларни мусиқа тўғаракларига жалб этиш;

-куйлаш жараёнида ўқувчиларнинг оҳангдошликни ҳис этишига эришиш.

Шундай қилиб, дарсда хор бўлиб куйлаш фаолияти ўқувчиларни мусиқий ўқув қобилияти, диди, маънавий эҳтиёжи ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун ниҳоятда зарурдир. Бу фаолиятни методик жиҳатдан самарали ташкил этиш асосий педагогик муаммолардан бири сифатида қаралиши керак.

Адабиётлар

1. Шарипова Г.,Нажмиддинов Д.Ф. Ўрта (5-7)синфларда мусиқа маданияти дарслари учун методик қўлланма Т.Д.П.У. 2001 йил, 90 бет.
2. Нурматов Х., Нархоржаев Н.,Миррахимов А. Мусиқа 2-синф учун дарслик 3–нашри, Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи, 2003йил,—128бет.
4. Мансуров А.,Каримова Д. Мусиқа 5-синф учун дарслик 3-нашри, Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи, 2003йил, 95 бет.